O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 7 февраль, № 27 (4180) Чоршанба

Нигоҳлари теран боқиб турган мана бу ёшлар Тошкент шаҳридаги ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейи ўқувчиларидир.

Бўлғуси Ватан ҳимоячилари

Бугун мазкур даргоҳда 350 нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Уларга умумий ўрта таълим, айниқса, чақириққача ёшларни тайёрлаш фанлари ва жисмоний тарбия кучайтирилган ҳолда ўтилади.

Албатта, лицейда таълим олаётган ўқувчилар келажакда Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шунинг учун бу ерда таълим ва бошқа барча жараёнлар ҳарбий интизомга асосланган. Зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган синфхоналар, замонавий спорт зали, стадион улар хизматида.

— Ҳозир лицейнинг иккинчи курсида ўқияпман,— дейди Навоий шаҳридан келган Фарруҳ Мирзаев. — Келажакда эса Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқимоқчиман. Ҳарбий зобит бўлиб, юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилсам, дейман.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Т. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2006 йилдаги фаолияти якунларига оид масала муҳокама қилинди.

Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган бу йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари ҳамда қонунлар, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил этилди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, жами 290 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаган 128 мингдан зиёд мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга қарийб 164 миллиард сўмлик 60 мингдан зиёд даъво аризаси киритилгани ҳолда, фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича пул маблағларининг амалдаги ундирилишида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги таъкидланди.

Тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан етарли прокурор назорати амалга оширилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамон катталигича қолмоқда.

Фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақаларининг ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда бу борадаги назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш топширилди.

Йирик корхоналар ва касаначилар ўртасида кооперацияга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суиистеъмолликларга барҳам беришга қаратилган ишларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Айни пайтда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир қонунлар ижроси назоратига жиддий эътибор қаратиш даркор.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг Кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида Ўзбекистонга бериладиган навбатдаги олтита грант шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Кичик ижтимоий лойиҳаларга ёрдам

304 минг 152 АҚШ доллари миқдоридаги мазкур маблағ Қарши туманидаги 41-мактабни, Қизириқ туманидаги 2-мактабни, Чуст туманидаги 1-мактабни, Фарғона шаҳридаги 28-мактабни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш ва ушбу илм даргоҳларида ўқитиш шароитларни яхшилашга, шунингдек, Қибрай туманидаги Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Пскент туманидаги Ишбилармон аёллар уюшмаси биносини замонавий техника билан жиҳозлашга сарфланади.

Грант шартномаларини имзолаш маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юичи Кусумото, Ўзбекистон халқ таълими вазири Т. Жўраев иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Япония томони юқорида айтилган дастур доирасида мамлакатимиздаги 17 та лойиҳага 1 миллион 132 минг 904 АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатган эди.

Ўз мухбиримиз.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2006 йилги фаолияти якунлари ҳамда 2007 йилдаги режаларига бағишланган медиа-форум бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби Ш.Қудратхўжаев, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва янада демократиялаштириш жараёни изчиллик билан олиб борилаётганини таъкидладилар.

Ушбу масъулиятли жараёнда давлат ва жамоат оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш ва ривожлантиришга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида изчил чоралар амалга оширилаётир. Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ташкил этилиши бу борадаги кенг кўламли ишлардандир.

Бугунги кунда мазкур ассоциация юртимиз ахборот маконидаги саксонга яқин нодавлат телерадиостанциялар, кабель телевидениесига техник ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий малака ва маҳоратини оширишга эътибор қаратаётир. Ўтган йили ассоциация томонидан ўн бешдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат телерадиоканалларини техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, журналистларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ижодий беллашувлар, кўрик-танловлар, семинар ва анжуманлар ўтказиш билан боғлиқ ишлар шулар жумласидандир. Буларнинг бариси жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар самараларига доир ахборотларни халқимизга тез ва холис етказишга, кўрсатув ва эшиттиришлар савияси ҳамда сифатини янада оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳузурида махсус ахборот маркази ташкил этилган. Энди мамлакатимизнинг барча вилоятлари ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жабҳаларига оид ахборотлар Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғида жамланиб, бутун республика бўйлаб тарқатилади.

Анжуманда миллий ассоциациянинг 2007 йилга мўлжалланган дастури тасдиқланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида "Чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларининг наслини яхшилаш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш технологиялари" мавзусида анжуман ўтказилди.

Маъмурчилик манбаи

Анжуманда таъкидланганидек, республикамиз Президентининг "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлиги ва даромадларини оширишда муҳим омил бўлди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, зооветеринария пунктлари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ветеринария пунктларини барча қишлоқларда очиш режалаштирилган. Шунингдек, чорва зотини яхшилаш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилувчи пунктларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Тадбирда Германиянинг "Агролис" фирмаси, Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамда журналистлар иштирок этди. Анжуманда "Агролис" фирмасининг наслдор чорва моллари ва сут соғиш технологиялари соҳасидаги тажрибаларини мамлакатимизда татбиқ этиш имкониятлари, чорва моллари ва техникаларини импорт қилишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, чорва молларига зооветеринария хизматларини кўрсатиш ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш талаблари каби мавзулар муҳокама қилинди.

Анжуманда келгусида мамлакатимизнинг ушбу соҳа вакиллари билан Германиянинг чорвачиликка ихтисослашган фирмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорлигини кучайтиришга келишиб олинди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг натижаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Бош прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари масъул ходимлари иштирок этди.

МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланмоқда. Улар сонининг мунтазам ортиб бораётгани, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улушининг ўсиши, қўшимча иш жойларининг яратилиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсатининг самараларидандир.

Тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатнинг изчил амалга оширилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Семинарда тадбиркорликка оид қонунчилик базасини тадқиқ этиш, тегишли статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш, тадбиркорлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров, шунингдек, мазкур органлар фаолиятини ўрганиш орқали олиб борилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар соҳа ривожида янги даврни бошлаб берди. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга оширилянпти. Хўжалик юритиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик эркинлаштирилди. Текширишлар ўтказиш ва ҳисобот тақдим этиш тизими тартибга солинди. Шу боис тадбиркорлик билан шуғулланиш шарт-шароитлари янада яхшиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсири камайди.

Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Мазкур идоралар ходимлари тадбиркорлик субъектларига нисбатан айблов нуқтаи назари билан қараш кайфиятидан ҳамон халос бўлганларича йўқ.

Тадбирда мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Тадбиркорликка оид қонунчилик базасини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ушбу соҳада қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Мана, ўн йилдан ошяптики, мамлакатимизда ҳар бир йилни ҳаётимизнинг устувор вазифалари ижросини таъминлаш, ислоҳотларнинг бирор муҳим ижтимоий-сиёсий йўналишини кучайтиришга қаратилган махсус ном билан аташ ажойиб анъанага айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир атаманинг маъно-мазмунини бирлаштирадиган умумий мезон бор. Ҳар йили инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари эътибор марказига қўйилиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб келинмоқда. Бундай муносабат халқ манфаати энг олий қадрият деб белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига жуда-жуда мос тушади.

Инсон — ҳаёт гултожи

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Республика Маънавият тарғибот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳақидаги қарорига мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда машҳур беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсатни кенг ва ёрқин ёритиш, ислоҳотларни жорий этишда фидойилик кўрсатаётган замондошларимиз сиймосини яратиш мақсадида **«Инсон — ҳаёт гултожи»** номи остида ижодий танлов эълон қилади.

Танловга тақдим этилган асарларда халқимизнинг бағрикенглик, саховатпешалик, болажонлик фазилатлари ёрқин акс этиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллашуви, муҳофаза чораларининг табақалашган ҳолда амалга оширилишини таъминловчи услуб ва механизмларнинг жорий этилиши жараёнлари таъсирчан ва ишонарли тарзда ёритилиши талаб қилинади.

Танловнинг мақсади миллатимиз, Ўзбекистон халқининг бунёдкорлик билан йўғрилган бугуни ва умидбахш келажагини публицистик асарларда акс эттириш. Токи шундай фидокор, меҳр-мурувватли, болажон, меҳмондўст, қўли ҳам кўнгли каби очиқ халқимизга, унинг саховати ва мурувватига ҳамма ҳавас қилсин, бу фазилатлардан бутун жаҳон ибрат олсин!

Танлов 2007 йил 8 декабрь — Конституциямизнинг 15 йиллик тўйи арафасида якунланади.

Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқишли очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар, бадиҳалар, суратлар ҳамда шеърлар газета саҳифаларида эълон қилинади.

Танлов мукофотлари:

Битта биринчи мукофот	—	500 000 сўм
Иккита иккинчи мукофот	—	200 000 сўмдан
Учта учинчи мукофот	—	150 000 сўмдан
Рағбатлантирувчи совғалар	—	5 та

«Инсон — ҳаёт гултожи» ижодий танловига марҳамат! Омад Сизга ёр бўлсин!

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Шу йилнинг апрель ойи охирларида Германиянинг дунёга машҳур Лейпциг этнография музейида ўзбек халқ амалий санъатига бағишланган махсус бўлим очилади. Музейга қўйиладиган экспонатларни Бухоро вилоят ҳокимлиги совға қилди. Бундан сал олдинроқ Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳам юстадан кўпроқ халқ амалий санъати буюмларини музейга ҳадя этганди.

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



Маълумки, аҳолини ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишларини, ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамоллигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги Бош Қомусимиз томонидан ҳам кафолатланганки, ҳар қандай ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки инсон, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Ҳолбуки, жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятида шундай эзгу мақсад мужассамдир. Ва бу яқинда қабул қилинган мамлакатимиз Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида ўз аксини топди.

Парламент ҳаёти

Республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим жиҳати соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, кексаларга, ҳимоясизларга, ногиронларга ёрдам кўрсатиш эҳтиёжи билан боғликдир. Шу боис бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун бир тизими яратилди. Бу вазифани ҳал этишда давлат манбаларидан ташқари меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармаларининг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўтган йилларда: "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Сиҳатсаломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ҳамда йилларнинг мантиқий давоми сифатида бу йил "Ижтимоий ҳимоя йили"да қабул қилинган Давлат дастурлари ўзаро бир-бирини тўлдириб, халқимизнинг корига яраб келмоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастури VII бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида янги қонунлар ишлаб чиқиш ва мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, муҳофаза тизимини такомиллаштиришни таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни ўз ичига олган. Бундан ташқари, Давлат дастури – аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ушбу йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда маҳалларнинг мавқеини ошириш, соғлом авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни янада такомиллаштириш масалаларини ҳам қамраб олган.

Ушбу дастурда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида"ги, "Тиббий суғурта тўғрисида"ги ва бошқа қонун лойиҳаларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида киритилиши ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Уларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши миллий қонунчилигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Кейинги бўлимда махсус мактаб интернатлар, "Саховат" ва "Меҳрибонлик" уйларининг моддий-техник базасини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилганлигини инобатга олган ҳолда, фақат ўтган йилнинг ўзида республикамиздаги барча "Саховат", "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан 3,5 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, бу йилги дастурда бундай иккита муассасани қуриш, 15 тасини тўлиқ ва жорий таъмирлаш, уларни барча замонавий жиҳоз ва компьютерлар билан таъминлаш, оилавий шароитда саккиз ва ундан ортиқ боқувчисини йўқотган, балоғат ёшига етмаган болаларни тарбиялаётган хонадонларга "Дамас" автомашинаси ажратиш, 11 мингга яқин мактабга бориш имкони бўлмаган болаларга улар яшаб турган уйларда компьютер, мебель жиҳозлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлаш каби масалалар ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, ўтган йилги дастурга кўра, кам таъминланган оилаларга 10 млрд.сўмликдан зиёд қорамол берилган. Минглаб ватандошларимиз бундай тадбирлар орқали меҳнат билан шуғулланиш, оила аъзоларини гўшт ва сут махсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлди. Ўтган йили қорамол сотиб олиш учун мақсадли имтиёзли кредитлар берилган бўлса, бу йилги дастурда республикамизнинг барча туманларида 200-300 тадан кам таъминланган оила аниқланиб, уларга текинга қорамол ажратиш, кўп болали етти мингта оилага мақсадли имтиёзли кредитлар бериш назарда тутилган. Табиийки, бундай ижтимоий мадад оилаларга ўз меҳнати эвазига турмуш шароитини яхшилаш имкониятини беради. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам қатор амалий тадбирлар белгиланганки, шулардан бири республика Онкология илмий маркази қошида мастэктомия операциясидан сўнг аёлларни силикон экзопротезлар билан таъминлаш бўйича аёллар тиббий реабилитация хонасини ташкил этишдир. Дастурнинг қолган бўлимларида ҳам йил номи билан боғлиқ масалалар ўз ўрнини топган. Қолаверса, ўтган йилги Давлат дастуридаги вазифаларни амалга оширишга 284 млрд. сўм сарфланиб, ижроси ортиғи билан таъминланган бўлса, бу йилги дастурда 390,1 млрд. сўмлик маблағ ишлатилиши назарда тутилган.

Маълумки, «2007 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида"ги қарорга асосан, Давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 54,1 фоизга етади. Бу, ўз навбатида, инсонга муносиб турмуш шароитларини вужудга келтириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ушбу дастурдаги давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятнинг моддий қудратини ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил давомидир.

Шарифа САЛИМОВА,
Бахтиёр СОАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

Кўнгил баёни

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Кимларни фидойи деймиз?

Ҳар бир инсон, гарчи кундалик турмуш оқимида қулочини ёзиб юрса-да, унинг ўз умри олдида масъулиятли бурчи ҳам бор. Зотан, ҳаётнинг ўзи ҳар бир инсон олдига талаб қўяди.

Шундай талабларда бири, шубҳасиз, Ватанга фидойи бўлишликдир! Йўқ, бу гапни баландпарвозликка йўйманг. Юрт фидойиликка чанқоқ, фидойиларнинг сафи кенгроқ бўлишига интиқ бўлиб турибди.

Бир даврада шу мавзуда гап очгандим, баъзилар фидойилик асосан раҳбарларга хос хислат эканлигини уқтиришди. Ўйлаб қоласан, наҳотки, оддий инсон фидойи бўлиши керак эмас. Нима, Ватанга мингта фидойи бўлса етадими? Йўқ, Ватанга миллионлаб фидойи керак!

Маънавиятли одам шундай ўйлайди. Чунки фидойиликнинг маъносини чаққан киши унинг илдизлари анча чуқур эканлигини англайди. Масалан, оддий оилада рўзғор учун, тарбия учун фақат ота фидойи бўлса-ю, қолганлар қараб ўтираверса, бу уйда ҳеч қачон барака бўлмайди.

Инсонда шахсий манфаат ҳамиша мавжуд бўлиб келган, лекин шу манфаатни эл-улус манфаати билан тенглаштирмас эканмиз, жиддий ўзгаришга эришолмаймиз.

Оилада бошланган болаларимиз тарбиясига маҳалла, жамоа томонидан фидойиликнинг турли кўринишлари сингдирилиб борилса, ҳар хил оқимларга кириб, адашиб юрганларни эмас, шу юртнинг байроғини кўрганда ва мадҳиясини эшитганда кўзлари чақнайдиган, шу юрт бойиса, ўзи ҳам бойишини тушунган фидойилар сафини ўстирган бўламиз.

Бир учрашувда «Фидойилик нима ўзи?» деган жуда жўн, лекин аниқ бир жавоб истаган савол бўлиб қолди. Ўтирганлардан бири «Ватанни севиш» деган оддий жавобни айтди. Билмадим, савол берган талаба бу жавобдан қониқдими ё йўқми, маънавий-маърифий ишларимизнинг барчасида шу тушунчани ёшларимиз қалбига теранроқ етказиб беришга эришмоғимиз керакка ўхшайди.

Зотан, онамизни севамиз, отамизни бошимизга кўтарамиз, уларга ҳурматсизлик хиёнат билан баробар. Тик қараш, уларга қўпол сўзлаш, олдини кесиб ўтиш гуноҳдир. Негаки, улар биз учун дунёдаги энг азиз инсонлардир!

Ватан-чи, Ватан биз учун нима?! У — бизга бошпана берган, насиба берган, ҳурмат-эътибор берган, ўқитган, ўстирган, душманлардан ҳимоя қилган, ҳатто сўнгги кунингда ҳам бағридан жой берадиган қутлуғ маскан. Унинг меҳнати онамиз меҳнати билан тенг, унинг бошимизни силаши отамизнинг меҳрибонлигига ўхшаш эмасми? Ота-онамизга ҳар биримиз қандай фидойи бўлсак, юртга, Ватанга шундай фидойи бўлишимиз керак-ку, ахир!

Ота-онамиз кексайганда улар ҳақида қайғурмасак, Ватанимизга тош отсалар, кўрнамакларни бизга қарши қайрасалар, ўзингдан чиқиб ўзингнинг ёқангга ёпишсалар, билмагандай рўзғор хуржунини елкага осиб қуйиниш нималигини танада сезмасак, биз учун ким фидойилик кўрсатади? «Берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилида иш тутиб, ўзимиз учун давлатдан сўрайберсак-да, ҳеч нарса бермасак, топганимизга қачон барака киради? Шунинг учун баралла овоз билан айтамиз: бугун юртга фидойилар керак! Бу дегани — улар йўқ дегани эмас, улар кўп. Шу кўпни яна кўпайтириш керак, сафларини кенгайтириш шарт.

Тўғри, фидойиликни ўргатадиган мактаб йўқ, дарслик ҳам мавжуд эмас. Қайсидир бир халқ болаларининг мард ва қўрқмас бўлиб ўсишлари учун ёстиқлари тагига шернинг тишларини ташлаб қўяр экан. Майли, бу ҳам бир иримдир. Хўш, бизда ҳар бир боламизнинг шу юртга фидойи бўлиб етишиши учун қандай куч бор?

Аввало, бу кучни миллий қадриятларимиздан излашимиз керак. «Боболаримиз Навоий, Амир Темур, Бобурдан тортиб, шу юртни озод кўришни истаган Чўлпон, Фитрат каби улуғларимиз ҳаёти, интилишлари ва орзуларида нима тирик эди? Фидойилик! Ислом дини оламидаги улуғ боболаримиз нечун кўкрагимизни тоғ қилмайди? Биз кимнинг авлодимиз, бизнинг қандай аждодларимиз бор?» деган саволларга ҳаммамизда ҳам жавоб ёки тушунча борми?

Яна бир катта куч бор. Куни кеча ўзгаларга қарам бўлиб, бугун топгани эртага етмай, қўл кўтариб, қўл тушириб юрган халқ ўз эркига эришиб, хоҳласа фермер, хоҳласа тадбиркор бўлди, боласини хоҳласа Тошкентда, хоҳласа Лондонда ўқитмоқда. Илгарилари фақат бойларнинг болалари ўқирди дерди, энди оддий одамнинг боласи ҳам ўқияпти. Бу оддий одам деганингиз ҳам 2 та сигирга, 10-15 қўйга, 1 та отга, 1 та шахсий машинага эга одам. Ҳатто қишлоқларда қўшма корхоналар очилди, ёшлар ишли бўлди, шинам уй қуришлар бошланди, орзу-ҳавас кўпайди.

Ўзбекистон дунёга танилди, дунё тан олди. Олтину пахтамиз, машинамизу самолётимиз, курашимизу полвонларимиз жаҳонни бўйламоқда. Ифтихор қилишни билиш керак одам, зеро, ғурурланишни ўрганишимизга ҳам вақт етди. Мана шу ифтихор ҳам фидойиликни ўстиради. Фақат ҳар бир инсон атрофига зийраклик билан кўз ташламоғи зарур. Шунда ҳовлингиздан ташқаридаги улкан ўзгаришларга ҳам кўзингиз тушади. Фидойиликка юрагингизда чанқоқлик сезасиз ва фидойиларни излаб қоласиз. Уларнинг ичида жуда оддий одамлар ҳам бор. Уларнинг икки-уч нафари ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

... Бу одам олтмишдан ошган. Болачақасини жой-жойига қўндириб бўлган. Лекин бир қаноти синган: раҳмати аёли бу дунёдан ўтганига ҳам анча бўлди. Мадамин уста бундоқ ўйлаб қараса, бу дунёда одамларга яхшилик қилишдан бошқа ташвиши қолмабди. Бола-чақа тинч, рўзғор бут. Пенсияни вақтида олиб турибди. Шундай кунларнинг бирида бир оғайнисинникига борибди. Борса, қиш кунлари экан, ҳамма совқотиб ўтирибди. Газ пасайиб, печка уйни тўла иситмай қўйибди. Уста оғайнисининг эски усти-бошини кийиб, уч соат деганда уйни озгина газ билан иситиб юборадиган печка қурибди. Ҳамма хурсанд, ҳаммасидан уста хурсанд. Эртаси куни тўғри қишлоғидаги мактабга борибди. Қараса, у ерда ҳам шу аҳвол. Уч кун деганда бу ишни ҳам битирибди. Хуллас, яхшилик-яхшиликка уланиб кетаверибди. Бир куни бир жойда ишни тугатгач, уй эгаси қўлига каттароқ пул узатибди. Уста унинг қўлини қайтариб, «Менга одамлар иссиқда ўтирса бўлди, бошқа даъвойим йўқ» дебди. Пул олмаган устани биринчи бор кўрган уй эгаси унинг қанақа одам эканлигини тушунолмабди. Зеро, яхшилик учун, беминнат қайишадиганларнинг бундай одатларига биз ҳам ҳали шубҳа билан қарашимиз рост.

Уста Мадамин шундай дейди:

— Умрим борича яхшиликнинг хизматидаман.

Яна бир инсон — Ашир ака Кўсаев нақ тўқсон беш ёшнинг устида. Шу одам, ишонасизми, бугунги кунда ҳам ҳамма қатори эрталаб ишга боради, кечқурун ишдан қайтади. Миллати — қозоқ. Шунинг учун ҳам кўпчилик уни «Ашир кўке» дейди. Йўқ, давлат ишида ишламайди, жамоат иши бор. У — туман байналмилал маркази раиси. Ойлик олмайди, пенсиясини ҳам жамоат ишларига ишлатиб юборади. Туманда 36 миллат вакиллари яшайди. Ҳамма бир-бири билан тинч-тотув. Ашир кўке шу ишларнинг барчасига бош-қош.

— Халқимиз қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, бир-бири билан тотув бўлса, тақимида улоқ бор чавандоздай (қария улоққа жуда қизиқади) маррага от сола беради, — дейди у.

Қариянинг фидойилиги нимадан иборат эканлигини ўзингиз мулоҳаза қилингда...

Биринчидан, юрт учун хизмат қилаётганлар ишга соғинч билан келиб, қилган ишидан кўнгли тўлиб, уйига мамнун қайтсин, деган тушунчани ўз ҳаётидан ибрат қилиб кўрсатади. «Тўрт кўзи тугал элни ҳеч ким енголмайди», дейди.

Иккинчидан, қария иноқ ҳаётимизнинг ҳақиқий фидойиси. Очиғини айтганда, шу ёшда юрт равнақи, юксалиши учун ўз ҳиссасини қўйиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Ўрганса арзийди бу фидойиликни!

Учинчи воқеамиз мактаб ўқувчиси ҳақида. Унинг келажагини ўйлаб номини айтмайман. Ҳали ўссин, унсин, ўқисин, ўргансин. Бўлгани шуки, мактабда яхши ўқийди, жамоат ишида фаол, олимпиадалар иштирокчиси, яқинда «Келажак овози» республика танловида ҳам ғолиб чиқди.

— Шундай улуғ юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — деди у мукофот олаётганида.

Демак, юртимизда яна бир фидойи воягa етмоқда. Бундан хурсанд бўлишимиз керак. Йўлга йўл уланмоқда.

Юртбошимиз фидойиликни фазилат деб айтган эдилар. Инсонга мансуб барча фазилатларни кўз олдингиздан ўтказиб, унга фидойиликни ҳам қўшинг, рўпарангиздан Ватан юрагида байроқдек ҳилпираб турган бир мард чиқиб келади. Унинг ортидан келаётганларнинг ҳам юзига қарайсиз. Шунда кўнглингиз тўладими?

Маънавият инсонни баркамолликка етаклайди. Мана шу баркамоллик сари битта йўл бор: у ҳам бўлса, ҳар бир юракка Ўзбекистонни олиб кириш керак!

Муаллиф ҳақида: *Ҳамид Норқулов — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани «Машъал» газетасининг бош муҳаррири. Долзарб мавзуларда республика матбуотида фаол қатнашиб келмоқда.*

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси ва таълим-тарбиясига оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, болалар қаровсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан соҳадаги жиноятларни аниқлашда тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилинди. Бу йўналишдаги ишларни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

2006 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келингани таъкидланди.

Кўрилган чораларга қарамасдан, республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг сони 3,1 фоизга ошган. Шу жумладан, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, талончилик, товламачилик, фирибгарлик жиноятларининг ўсиши кузатилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил қилиниб, прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 93 миллиард сўмга яқини ҳамда 33 миллион АҚШ долларидан ортиғи ундирилгани таъкидланди. Бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, зарарни тўлиқ ундиришга эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминлашнинг аҳволи атрофлича кўриб чиқилган. Прокурорлар фаолияти судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиши лозимлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, йиғилишда кадрларни танлаш, тайинлаш, уларни тарбиялаш, прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича фаолиятни такомиллаштириш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Йиғилишда қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Баҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.



Болажонлар «устоз» десалар...

Болаликда олган билимни тошга ўйилган нақшга қиёслашади. Зеро, тошга ўйилган нақш унча-мунча нарса таъсирида ўчиб кетмайди. Билим ҳам худди шундай. Уни ўрганган, унга талпинган инсон ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди, аксинча, кўпроқ билим олишга, ўз дунёқарашини янада бойитишга интиларади.

Қувасойнинг Полмон қишлоғидаги 10-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилафрўз Рисқулова ана шу ақидага амал қилган ҳолда, ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун астойдил изланади. Болажонлар "устоз" деб мурожаат қилганларида, у ўқитувчилик касбини танлаганидан ғурурланиб кетади. Ёш бўлишига қарамай, мактабда, ўқувчилар орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор. Шунга айтсалар керак-да, ўз касбининг моҳири бўлганлар ҳамиша ардоқда бўладилар, деб.

СУРАТДА: Дилафрўз Рисқулова.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Йўллар чорраҳасидаги Марказий Осиё»

Люксембург саройида, Франция Сенатининг биносида «Йўллар чорраҳасидаги Марказий Осиё» мавзуига бағишланган конференция бўлиб ўтди. У Франция парламенти юқори палатаси ва «Passages» (ADAPes) журнали дўстлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда сенаторлар, Франция давлат идоралари ва уюшмаларининг, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг вакиллари, шунингдек, сиёсатшунос олимлар иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққан ADAPes раиси, «Passages» журнали бош муҳаррири, Франциядаги таниқли сиёсатшунос **Эмиль Мале** Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган салмоқли саъй-ҳаракатларини алоҳида қайд этди. У собиқ иттифоқ таназзулга юз тутганидан сўнг Франция Марказий Осиёга катта эътибор қарата бошлагани, у геосиёсий манфаатлар марказида тургани, субминтақада муҳим ўрин тутиши ҳамда улкан энергетика салоҳиятига эга экани хусусидаги фикрларини ўртоқлашди.

Сенатор **Аймери де Монтескью** Европа Иттифоқининг Франция билан, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларининг истиқболлари ҳақида тўхталар экан, у геосиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. «Мен Марказий Осиёга алоҳида ҳурмат билан қарайман, — деди у. — Бу ерда турли цивилизациялар учрашади. Минтақа халқларида бизлар ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлар кўпдир».

Шарқ тиллари ва цивилизациялар миллий институти профессори, Марказий Осиё бўйича франциялик етакчи эксперт **Катрин Пужоль** таъкидлаганидек, «Марказий Осиё ҳамиша Франция эътиборининг марказида бўлган, Монтескью ва Вольтер сингари бизнинг кўпгина улуғ намояндаларимиз ўз асарларида бу минтақани қаламга олишган. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги дастлабки вақтларда Марказий Осиёдаги янги давлатларнинг синовларга бардош бера олишларига кўпчилик шубҳа билан қараган эди. Бироқ кўп асрлик тарихий илдизларга эга бу мамлакатлар халқлари муаммоли вазиятдан чиқиш йўлларини қидириб топишда бардошлилик ва амалий жиҳатдан ҳаракатчан эканликларини намоён этгани ҳолда янгича шарт-шароитларга мослашиб олдилар».

Конференция давомида иштирокчилар мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, қонунчилик ва бошқа соҳаларда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар самараси билан атрофлича танишдилар.

«Жаҳон» АА.

Газетада босилмади, аммо...

Жазо тайинланди

Сариосиё тумани «Тоқчиён» ширкат хўжалиги «Маданият» маҳалласида истиқомат қилувчи Х.Ёқубов таҳририятимизга мурожаат қилиб, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли вояга етмаган фарзанди тан жароҳати олганлиги, бироқ айбдор жазоланмагани хусусида шикоят хати йўллаганди. Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи Ўринбосари, подполковник К.УМАТҚУЛОВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича,

«ўтказилган текширувда Х.Ёқубовнинг аризасида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Сариосиё тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, лейтенант И.Абраев томонидан ўтган йили октябрь ойида И.Турсунмуродовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов натижасига кўра, мазкур жиноят иши айблов хулосаси билан тамомланиб, туман прокуратураси орқали жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судига тақдим этилган.

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё тумани судининг ҳукмига кўра, фуқаро И.Турсунмуродов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга бир йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган».

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бир неча кундан буён Индонезия пойтахти Жакартада сув тошқинлари юз бермоқда. Мамлакат ҳукумати табиий офат натижасида юқумли касалликлар тарқалишидан хавотирга тушмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, офат 29 кишининг ўлимига сабабчи бўлган. Бундан ташқари, 340 минг аҳоли уй-жойсиз қолди. Шаҳарнинг 75 фоиз ҳудудини сув босди.

Англиялик мутахассислар мамлакатда аниқланган парранда гриппи қаердан келиб чиққанини топишга ҳаракат қилишмоқда. Айни пайтда ҳукумат касалликнинг кенг тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш чораларини кўраяпти. Ҳозирга қадар 160 мингта курка йўқ қилинди. Россия, Япония, Норвегия, Нидерландия Буюк Британиядан парранда маҳсулотлари сотиб олишни вақтинча тўхтатди. Мамлакат мазкур маҳсулот экспортидан йилига ўртача 6,7 миллиард доллар фойда кўради.

Сеул суди «Hyundai» корпорацияси раҳбарини уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. 68 ёшли Чон Мон Гу компания маблағлари ҳисобидан ноқонуний йўл билан фонд ташкил қилганликда ва ундан ўз эҳтиёжлари ҳамда мансабдор шахсларни сотиб олишда фойдаланганликда айбдор, деб топилди.

Сурия Президенти Башар Асад Ирокдаги бир-бирига қарама-қарши гуруҳлар ўртасида воситачилик қилмоқчи. У шу йўл билан мамлакатда авж олаётган қонли зўравонликларга барҳам бермоқчи. Унинг сўзларига кўра, АҚШ Ироқда тартибсизликларни тўхтатишга қодир эмас. Вазиятни ўзгартириш учун бу ишга бошқа давлатлар ҳам аралашиши лозим.

Камерун ҳудудидаги денгиз-қирғоғида йўловчи кема чўкиб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра, унинг бортида камида 100 киши бўлган. Шундан 15 нафаригина қутқариб қолинди. 63 киши қурбон бўлган, 20 киши дом-дараксиз кетган. Мутахассисларнинг фикрича, кемага меъёрдагидан кўп юк ортилиши фалокатга сабаб бўлган.

Жорж Буш АҚШнинг 2008 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳасини Сенатга тақдим этди. Унинг ҳажми 2,9 триллион долларга тенг. Оқ уй мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, келаси тўрт йил давомида давлат бюджетидаги тақчиллик бутунлай қисқаради ҳамда 61 миллиард долларлик профицитга эришилади. 2006 йилда АҚШ бюджетидаги камомад 248 миллиард долларни ташкил қилди. 2008 йилда эса мудофаа харажатларига 481,4 миллиард доллар сарфлаш кўзда тутилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Соҳага алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли бугун мамлакатимиз молия-кредит тизимининг асоси ҳисобланган тижорат банклари барқарор ривожланмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, банк тизимига иқтисодиётнинг етакчиси, яъни ўзига хос локомотив ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пул оқимларининг мутаносиб айланишини таъминловчи қон томири ролини бажаришдек масъулиятли вазифа юкланган.

Республика акциядорлик тижорат банки — "Ғаллабанк" ғалла мустақиллигини таъминлаш борасида асосий молиявий таянч вазифасини бажаришга ихтисослашган бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун дон маҳсулотларини қабул қилиш, уни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда юртимизда ғалла уруғчилигини ривожлантириш, уни етиштириш ва молиялаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ ўзига хос сиёсатини юритувчи корхоналарга молия-кредит хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Айни пайтда банк қисқа муддатларда ўзининг активлари ҳамда капиталининг ҳажми, мижозлари доираси, фаолияти қамрови жиҳатидан универсал банк сифатида молия бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлган йирик молия институти ҳисобланади.



Ишончга асосланган ҳамкорлик

Банк ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан мамлакатимиз раҳбарининг айнан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг капиталлашув жараёнларини кучайтириш, активларини ўстириш, банкларнинг жойлардаги ўз инфратузилмаларини кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги алоҳида фармон ва қарорлари асосида кейинги йилларда яратилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Самарали кредит сиёсатини юритиш, банк активларини мижозларнинг асосли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кредит, лизинг ва факторинг каби замонавий инструментлар ёрдамида жойлаштириш, банкнинг капиталлашуви даражасини кучайтириш, мижозларга сифатли банк хизматларини таклиф этиш, улар доирасини доимий равишда кенгайтириш, қишлоқ туманларининг чекка ҳудудларида мини банк ва жамғарма шохобчалари ташкил этиш, "Банк-мижоз" дастурий мажмуаси асосида йирик мижозларга замонавий электрон алоқалар ёрдамида хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Ҳозир мазкур молиявий муассасанинг жойларда 32 та филиали, 78 та мини банки, 156 та жамғармаси, шундан 30 дан ортиқ махсус шохобчаси, 69 та валюта айирбошлаш ва 14 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали турли мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахсларга ўзаро манфаатли шартномалар асосида хизмат кўрсатилмоқда.

Айрим мижозлар «Ғаллабанк»нинг бугунги кундаги фаолияти хусусида гап кетганда, ҳақиқатан ҳам банк ва мижоз ўртасида шаклланган ўзаро ишонч йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида қайд этмоқдалар.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ташкил этилган мазкур банк билан у иш бошлаган вақтдан, яъни 1994 йилдан бери жамоамиз ҳамкорлик қилади, — дейди "Боғдоддонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти раиси Тўхтасин Топиев. — Корхонамиз фермер хўжаликларидан давлат эҳтиёжлари учун дон маҳсулотларини қабул қилишдан тортиб, уни қайта ишлаб, аҳоли истеъмоли учун етказиб беришгача бўлган барча технологик жараённи ўз ичига қамраб олган.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағларини бошқариш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муваффақиятларимизнинг муҳим омили эканлигини яхши тушунамиз. Бироқ ҳамкорларимизнинг барчаси бир хил эмас. Масалан, бири биз олган маҳсулот учун олдиндан тўловни талаб қилса, иккинчиси, яъни бизнинг маҳсулот истеъмолчиси эса вақтинча молиявий қийинчиликка эга бўлиб қолади, учинчиси билан эса аранг 50 фоизини тўлашга келишасиз, бунинг устига, корхона учун электр энергияси, ёнилғи, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш керак. Бундан ташқари, фермерларни уруғлик билан таъминлаш, топширилган ғалла учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарур.

Алоҳида таъкидлаб айтишим лозимки, "Ғаллабанк"нинг Қўқон филиали бизнинг нафақат ишончли ҳамкоримиз, балки молиявий маслаҳатчимиз, кўмакчимиздир. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Банк Қўқон шаҳрида жойлашган бўлиб, корхонамиздан олисда. Шуни эътиборга олиб, банк раҳбарияти Боғдод шаҳрида, яъни корхонамизнинг шундоқ ёнида мини банк ташкил этди. Бизга барча турдаги хизматлар кўрсатилади. Хусусан, пул маблағларимизнинг бир текис оқимини таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш мақсадида кредитдан доимий равишда ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланамиз.

Бундан икки йил муқаддам корхонамизда фойдаланилаётган технологик ускуналар эскириб, уларнинг асосий қисми ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Банк мутахассислари билан бирга бизнес-режа ҳамда техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқдик. Акциядорлик жамияти томонидан 1,6 млрд. сўмга яқин маблағ, шундан 960 млн. сўмлик банк кредитини сарфлаб, бугунги кунда замонавий технология асосида ғаллани қайта ишлайдиган, кам харж ва юқори унумли хориж ускунасини ўрнатдик. Банк ва унинг Боғдоддаги мини банки хизмати биз учун қанчалик муҳим эканлиги, фермерлар билан давлат эҳтиёжлари учун топширилган ғалла ҳосили бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида яққол билинади. Жамоамиз аъзоларининг иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши, бюджет ва шу каби тўловлар бўйича назоратни ташкил этиш масалаларида молиявий муассаса фаолиятидан кўнглимиз тўқ.

Албатта, бизга хизмат кўрсатаётган муассасанинг ривожланиши учун амалга оширилаётган тадбирлардан четда турмаяпмиз. Хусусан, биз унинг акциялари соҳибимиз. Шунинг учун ҳам ҳамкорлигимиз ўзаро ишончга асосланган, дея оламиз.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги машаққатли меҳнат ва унинг натижалари қанчалик қадрли эканлигини шу соҳага меҳнати синган инсонгина яхши билади, — дейди Янгибозор туманидаги "Омад" фермер хўжалиги раҳбари Наримон ака Аҳмедов. — 2004 йилда "Жайхун" ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликларидан бирига эгалик қилиш учун тендер комиссиясига ҳужжатларимни топширдим. Мен тендарда ютиб чиқиб, 50 гектар ер олдим.

Ҳозир унинг 35 гектарида пахта ва 15 гектарида ғалла етиштириб, давлат эҳтиёжлари учун сотиш асосида иш юритяпмиз. Қайси банкда ҳисоб рақами очсам экан, деб ўйлаб юрганимда, собиқ ширкат хўжалигининг идорасида "Ғаллабанк"нинг мини банки очилганини эшитиб, фаолиятимни шу молиявий муассаса билан боғлашга қарор қилдим. Баъзи фермерларнинг "Энди Урганч-га қатнаб умринг ўтмасайди, чунки бу мини банк қачон ишлайди, қачон фаолияти изга тушади" деганларини ҳам эшитдим. Лекин бир ҳафта ўтмасдан мини банк ишга тушиб, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғуллана бошлади. Тўғри, дастлаб қийинчиликлар ҳам бўлди, яширмайман. Ҳозир, кўз тегмасин, ишимиз яхши.

Маълумки, ерга ишлов беришда техниканинг алоҳида ўрни бор. Ахир, «Техника-деҳқоннинг қаноти» деб бежиз айтилмаган. Дастлабки йилларда туман машина-трактор паркида техника кам, бори ҳам таъмирталаб ахволда эканлиги боис, ерни вақтида ҳайдай олмасдик. Бу эса ернинг шўрини уч марталаб ювиш, текислаш масаласида деҳқоннинг ишини орқага тортарди. Шу сабабдан, хўжалигимизда ишлар ҳеч олдинга кетмади ва мен маблағ сўраб банкка мурожаат қилдим. 2004 йилнинг 10 ноябрида қиймати 16 млн. сўм бўлган "Алтай" русумли ҳайдов тракторини кредит ҳисобига сотиб олдим.

Бугун ўзимнинг техника воситаларим билан нафақат ўз еримизга, балки кўшни фермерлар майдонларига ҳам ўзаро шартнома асосида ишлов беряпмиз. Ҳозир кредитнинг асосий қисми тўлаб бўлинди. Ишларимиз юришиб кетса, жорий йилда кредитдан тўла қутилиб, яна маблағ олиб, бошқа техника воситаларини ҳам харид қилишни мўлжаллаяпмиз.

Ғалла ва пахта етиштириш бўйича имтиёзли кредитлардан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Банкда агрономлик штати бор, деса аввал ишонмасдим. Гоҳ-гоҳида агроном келиб ишларимиздан, экинлар ҳолатидан хабар олиб кетади, маслаҳатлар ҳам бериб туради. Мен фермер хўжалиги раҳбари сифатида банк фаолиятидан фақат кредитдан фойдаланганим учун эмас, балки унинг бизга яқин жойда жойлашганидан, барча ҳисоб-китобларни амалга оширишда, хўжалик молиявий ҳолатини бошқаришда унинг мутахассислари бизнинг яқин маслаҳатчимиз, кўмакчимиз эканлигидан хурсандман.

Бугун ўз ишидан мамнун, ютуқларини банк билан боғлаган бундай мижозларни кўплаб учратиш мумкин. Келгусида ҳам банк раҳбарияти ҳамда унинг жойлардаги филиаллари мутасаддилари бу борадаги ишларни янада жонлантириш, мижозлар манфаатини ўйлаб, ўзаро муносабатларда ҳамкорлик кайфиятини кенг тарғиб эта олишларига ишонамиз.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

IPOTEKA BANK

«Ипотекабанк» ана шу шиор остида кенг доирадаги мижозларга банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бу хизматлар миллий ва хорижий валюталарда депозитларни жалб этиш, истеъмол кредитлари бериш, миллий валютадаги пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, валюта айирбошлаш амалиётларини бажариш ва бошқа вазифаларни ўз ичига олади. Айни чоғда мазкур молиявий муассаса жисмоний шахсларга етмишдан зиёд турдаги хизматларни ҳам тақдим этмоқда.

Айниқса, унинг филиаллари узлуксиз ишлаши 2006 йилда мижозлар базасини анча кенгайтириш имконини берди. Натижада мижозлар умумий сони 55 мингдан ошди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 6,8 мингта кўпдир. Хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг асосий қисми эса чакана мижозларга тўғри келади. Улар жорий йил бошига келиб, 649 мингдан ортиб кетди. Бу ҳолат банк ўзининг стратегик вазифаларидан бири — чакана хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

Мижозларнинг кенг кўламли талабларини қондириш, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банк мини банклар тармоғини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш ишларини ҳам давом эттирмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд 150 та мини банк билан бирга 600 дан ортиқ жамғарма ва ихтисослашган касса фаолият юритаётганлиги шундан далолат беради.

Шуни айтиш керакки, мини банклар банкнинг изчил фаолиятини таъминлаб, унинг рақобатбардош мавқеини мустаҳкамлашга кўмаклашаяпти, шунингдек, бу Ўзбекистоннинг турли минтақаларида, айниқса, саноат марказларидан олис жойларда ўтказилаётган бозор ислоҳотлари суръатига реал таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфелининг диверсификацияланганги, истиқболли даромад манбалари чуқур ўрганилаётгани ҳамда мижозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари таклиф этилаётгани унга молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамликни сақлаш, республикамизнинг бутун иқтисодий сектори тараққиётига кўмаклашиш имконини бермоқда.

Кредит хатарларини минимал даражада сақлаган ҳолда кредит портфелини кенгайтириш ҳам банкнинг 2006 йилдаги асосий вазифаси бўлди. Натижада 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредит портфели ҳажми 164,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу банк активларининг 23,8 фоизига тенгдир.

Ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган муҳит анча яхшиланганги маълум. Буни мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам, чет эллик экспертлар ҳам эътироф этишмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, ўтган йили банк кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ишларида фаол иштирок этди. Зеро, юқорида айтилганидек, банк мижозлари — ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аксарият қисми кичик ва хусусий корхоналар бўлиб, улар банк кредит портфелида устувор мақомга эгадирлар. Шу боис ҳам, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Ипотекабанк» тизимида 44 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу уларнинг сони аввалги йилдагига нисбатан 9 мингтага ошганини кўрсатади.

Яна кредит масаласига қайтайлик. Бўлтур банк жами кредит қўйилмаларининг 27,1 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини бошлашига ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланди. Аниқроғи, 2006 йилда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 65,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, шундан 63,9 млрд. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди. Банкнинг кичик бизнес субъектлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирган маблағлари ҳисобига эса қарийб 2957 та иш ўрни яратилди.

«Ипотекабанк» томонидан йўналтирилаётган микрокредитларга, айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларида шуғулланаётган тадбиркорларнинг талаблари катта. 2005 йил давомида банк барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 2,8 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратган эди. Пировардида бу хизмат тури қишлоқ жойларда, фермер ва деҳқон хўжаликлари орасида ҳам кенг оммалашган бўлса, 2006 йилда банк мижозлари — давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони 3275 тани ташкил этди. Уларга ажратилган кредитлар миқдори эса жами 17,9 млрд. сўмга етди. Бу 2005 йилдагига нисбатан 8,5 млрд. сўм ёки 192 фоиз кўпдир.

Банк аҳолининг бўш пул маблағларини фаол жалб этиш орқали ҳам иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ўз ресурс базасини кенгайтирмоқда. Бу билан пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартиришга кўмаклашмоқда. Мисол учун, бугунги кунда аҳолига миллий валютада ўндан ортиқ турдаги, хорижий валютада етти турдаги депозитлар таклиф қилинаяпти. Бу мижозларга бўш пул маблағларини сақлашда ўзларига энг маъқул шартлар бўйича даромад ҳажми таклиф қилинадиган омонатни танлаш имконияти яратилганидан дарак беради.

Жумладан, ўтган йили банк аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун турли хилдаги юқори фоизли омонатларни таклиф қилди. «Эътибор», «Посбон», «Муқаддас аёл», «Наврўзи олам», «Ноёб», «Мустақил юрт», «Эзгулик», «Ҳумо», «Меҳрибонлик», «Ёғду», «Мустақиллик туҳфаси», «Мураббий», «Диёр», «Семурғ», «Олтин куз», «Фазо», «Шодиёна» каби омонат турлари шулар сирасига киради. 2006 йилда «Ипотекабанк» филиаллари томонидан уларга жалб этилган аҳоли маблағлари ҳажми эса 17,4 млрд. сўмга ошиб, 50,9 млрд. сўмга етди.

Нақд пул маблағларини банкка жалб қилиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида эса «Ипотекабанк»да экспресс тўлов карталарини жамғарма (коммунал) кассалари орқали сотиш йўлга қўйилди. Банк филиалларида ҳозирда «COSCOM», «Билайн», «МТС» уяли алоқа компаниялари ҳамда «Ўзбектелеком» тизимидаги корхоналар билан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув, интернетга уланиш бўйича экспресс тўлов карталари жамғарма кассалар орқали аҳолига етказилмоқда.

Шу тарика «Ипотекабанк» чакана хизматлар бозоридаги пешқадамлик мавқеини тобора мустаҳкамлаб, омонатчиларнинг маблағлари бут сақланиши, анчагина кўпайиши ва шак-шубҳасиз, уларга юқори маданият билан банк хизматлари кўрсатилишини кафолатламоқда.

Аслида «Ипотекабанк»нинг молиявий сиёсати замонавий, аҳолини мақбул даражада банк хизматларига яқинлаштириш мақсадларини кўзда тутади. Шу боис ихтисослашган кассалар ва мини банклар тармоғи кенгайтирилмоқда. Уларда корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматини кўрсатиш, омонатлар очиш ва уларни бериш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш каби хизматлар тақдим этилаяпти. 2006 йил мобайнида ушбу кассаларда аҳолидан турли хил тўловлар учун 227,1 млрд. сўм нақд пул маблағлари қабул қилинди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 65,1 млрд. сўм ёки 40,2 фоиз зиёддир.

Банк томонидан аҳолига коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, дам олиш кунлари ва аҳолига қулай вақтларда коммунал кассалар ишлаши таъминлангани натижасида фақатгина коммунал тўловлардан 74,5 млрд. сўм нақд пул қабул қилиниб, ушбу миқдор жами коммунал тўловларнинг 32,8 фоизини ташкил этди. Терминаллар орқали эса, 869 млн. сўм маблағ коммунал тўловлар учун қабул қилинди.

Яна бир янгилик шуки, ўтган йили банк жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланадиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун микрокредитлар бериш шартларини қайта кўриб чиқиб, уларга энг маъқул шартларда кредит олиш имкониятини яратди. Гап маҳаллий ишлаб чиқарувчи техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилгани хусусида бораётганини тушунгандирсиз? Пировардида ҳисобот йилида банк томонидан 1 643 нафар жисмоний шахсга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун жами 8,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида республикамиз минтақаларида фаолият кўрсатаётган филиаллари ва мини банклари орқали уй-жойларни сотиб олиш ва уларни таъмирлаш мақсадида шартнома асосида жисмоний шахсларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қарийб 7 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ҳам берилди.

Уй-жой қурувчилар ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектлар, жами 240 дан ортиқ корхонага эса 22,8 млрд. сўмлик, замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 83 тадан зиёд корхонага 14,2 млрд. сўмлик кредит ажратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўз навбатида, банк мутахассислари уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, маҳаллий анъаналардан келиб чиқиб, республикамизда ипотека кредитлари бериш тизимини янада такомиллаштирмоқдалар. Айтайлик, ўтган йили ипотека кредити беришни ривожлантириш мақсадида Халқаро молия корпорацияси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, ипотека кредитларини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон — Германия ҳукуматлараро комиссияси музокараларида кўзда тутилган молиявий ҳамкорлик лойиҳаларига мувофиқ, узоқ муддатли ипотека кредитлари учун маблағлар йўналтириш ҳамда ушбу мақсадларга қўшимча маблағлар топиш бўйича тушган таклифларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

«Ипотекабанк», шунингдек, «Western Union» тизими орқали аҳолига дунёнинг барча давлатларига пул ўтказиш хизматини ҳам кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг ушбу тизимда пул жўнатиш ёки қабул қилиш амалиётини «Ипотекабанк» шохобчалари ёрдамида амалга оширишга қизиқиши ошиб бораётгани қувонарлидир. Ҳисобот йилида бу борада 78 мингга яқин мижозга банк шохобчалари томонидан хизмат кўрсатилгани, мижозлар томонидан хориждан юборилган 39,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ қабул қилингани (аввалги йилдагига нисбатан 83 фоиз кўп), шундан 4,2 млн. АҚШ долларилик жисмоний шахслар маблағлари юртимиздан чет элларга жўнатилгани бунга мисол бўла олади.

«Ипотекабанк» тизимида валюта айирбошлаш шохобчалари сони ҳам ортиб, салкам 150 тага етди. Валюта айирбошлаш шохобчаларини аҳолига қулай жойда жойлаштириш ва бошқа қўшимча қулайликлар яратиш ниятида ўтган йили 6 та янги шохобча ишга туширилди. Бунинг натижасида нақд валюта айирбошлаш фаолияти бўйича банк амалиётларининг ошишига эришилди.

Маълумки, пластик карталар орқали амалиётлар ўтказиш жаҳонда кенг тарқалган банк хизматларидан бири ҳисобланади. 2006 йилда «Ипотекабанк» ҳам миллий валютадаги пластик карталарини муомалага киритиш ишларини кескин равишда кенгайтирди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарори муҳим омил бўлди. Нега деганда, ушбу қарорда банклар олдига бир қатор вазифалар қўйилган. Пластик карталарнинг аҳоли кенг қатламлари орасида оммалашувини таъминлаш, пластик карталар билан амалиётлар кўламини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Ўтган йили «Ипотекабанк» шу асосда иш юритиб, нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириб, такомиллаштириб борди. Бу пластик карточкалар бозорида унинг юқори ўринларга чиқишини таъминлади. Бугунги кунда банк миллий валютада чиқарган карточкалар сони, 2006 йил 1 январь ҳолатига солиштирганда, қарийб 100 мингтага ошгани, яъни жами 400 мингтага етгани бунинг тасдиғидир.

Буларнинг ҳаммаси «Ипотекабанк»ни республикамизда пластик карточка бизнесини ривожлантириш, пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантиришга катта маблағлар сарфлаётган банкларнинг бирига айлантирди. Шу билан бирга, 2006 йил давомида чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига мансуб корхоналарда жами 1 550 та терминал ўрнатди. Булар асосан турғун савдо нуқталари, дорихоналар, уяли алоқа компаниялари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бўлиб, уларда бажарилган нақд пулсиз амалиётлар ҳажми якунда 73,9 млрд. сўмни ташкил этди. Унинг 10,5 млрд. сўмлиги нақд пулсиз амалиётлардир. Бу — 2005 йилдаги амалиётлардан 2,8 баробар кўп, дегани.

«Ипотекабанк» якунланган йилда ўз мижозлари бўлмиш йирик корхона ва ташкилотларда иш ҳақини сўм пластик карточкалари орқали бериш бўйича янги лойиҳаларни жорий қилишда ҳам дадил қадамларни қўйди. Ана шу лойиҳаларга бултур 273 та янги корхона қўшилиб, ҳозирда уларнинг жами сони 1273 тага етди.

Жорий йилда ҳам «Ипотекабанк» жамоаси кенг доирадаги барча мижозларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Икром ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танловига

Ватан — жоним, жон томиримсан

насрдаги назм

...Ватан, саҳроингда унган янтоқ ҳам кечиб кетолмайди сенинг меҳрингдан. Илдизларин отиб бағринг тўрига чўли биёбонни айлайди макон. Дашту ёвонингда жонсиз шамол минг бир балоларга этса-да дучор, янтоқ ҳар баҳорда кўклайверади, пушти гуллар айтиб шаънингга ашъор. Баски, мен болангман — битта тирноғинг, биттагина зарранг, битта урвоғинг, жону таним туташ шу ер, шу кўкка. Аждодларим ётар бағрингда ухлаб, болам улғаяди боғингда ўйнаб. Сурурлардан тўлган ҳайратим ўзинг, ҳар нелардан ноёб шавкатим ўзинг. Баҳоринг меники, кўзинг меники, чаппар уриб гулга кирган боғларинг, сувга зор анҳоринг, кўлинг меники. Борингча суяман қурбонлар бўлиб, ўзингдан кўрганим меҳрдан тўлиб. Бу ҳисни туймаган кўнгил бегона. Ахир Ватан битта бутун дунёда.

Ватан! Бу калимани тилга олсам, минг бир томиримда жўшаётган меҳрнинг тафтидан вужудимни ҳаяжон чулғар. Ҳарорат юракка сиғмайин, ажиб бир ҳис кипригим намлар. Қирқ йил қучоғингда авайлаганинг, насиба узатиб боғу роғингдан, елкангда кўтариб толсам суяган Ватан! Сендан буюк нимам бор, айтгин?! Онамга Ватансан, боламга Ватан, Онамдай азизсан, боламдай азиз. Ўзимдан азизсан, сўзимдан азиз? Ногоҳ тикон кирса товонларимга, вужудим тўлғанар, жоним қақшайди. Сенга хас отса гар нокасу нодон, орим тўлғонади, борим тирпайди.

Ватан! Кечаю бугунингни кўриб қалбим қувонади оқ тонгларингдан. Теграм узра соябон бўлиб, чароғон айлабон манзилларимни, бошида дўппи-ю, белида белбоғ, миллатин қадрини босиб кўксига, оппоқ яктаклари бирам ярашган, ўн беш ёшли ўғлон борадир — унинг оти Истиқлол!

Боболарим кўзларининг нури у! Отагинам белидаги куч-қувват! Момоларим алласида улғайган, онагинам эъзозлаган тумор у!

Ҳуррият, сенинг шукуҳингни шунчаки ҳис этиб бўлмайди. Умрлар ўтди-я сенга етолмай, Бир умрларки, Сени деб уйғонган. Нурларинг кўролган ҳаммадан бурун. Ўзбекка бахт сенинг қадаминг, дея. Беҳбудийлар ўтди. «Уйғон, халқим» деб. Фитратларинг ўтди, Чўлпонлар ўтди, Қодирийлар ўтди, Усмонлар ўтди. Гоҳ мудроқ кўзингни очдинг-ку, халқим. Гоҳ ўзингни ўзинг янчдинг-ку, халқим. Ўзингни ўзингга боғлаб бердилар, ўз ёғингга ўзинг доғландинг, эй воҳ! Сизладинг, қўлингга солсалар кишан. Муте бўлди миллат, ота юрт — макон. Ҳаттоки динингни қувғин қилдилар. Ўз ғўшангда ўз тилингда сўзлолмайин, заҳматингдан, ҳасратингдан бўзлолмайин, эгилдинг-а, эгилмоқнинг ҳадди бордир. Ўзбекнинг ҳам кўтаргувчи қадди бордир. Кўтарилган қаддингдан-а айланайин. Йўлларингга ашъор билан гул сочайин.

...Бундан етмиш-саксон йил бурун ҳам буғдой ўсарди-ку, Ўзбекистонда. Туни бўйи бошоқ терган келинларингнинг зоғорага тўймай ўсди болалари. Юртбошимиз Истиқлолнинг биринчи йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш йўлида имконларни сафарбар этмоқ учун жамики чоралари кўришга бош бўлди. Бугун йўқ деганда қишлоқ хонадонларининг қоплаб буғдойи бор. Дўконлардан уларнинг хил-хил навлари узилмайди. Савдо расталари хилма-хил нон ва нон маҳсулотларига сероб... Бу моддий тўкислигимизнинг биргина кўриниши, холос. Истиқлол йиллари маданий-маърифий, ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқларни минг бир шукрона, ифтихор билан тилга олсак арзийди. Республикамизда қад ростлаётган илму урфон ғўшалари, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар самараси ақлу шуурларда ўз аксини топаётир. Улар тафаккур бобида дунё ёшлари билан баҳс бойлашаётир.

Ҳуррият, Сен миллатнинг қадрини, эътиқодини бутун этган, орзуларини ушалтирган бир муъжизасан! Муқаддас қадамжолар топталган, муборак ғўшалар харобаларга айланган, Қуръони Каримни яшириб ўқиган кечаги кунимиз унут бўлган эмас! Истиқлол йиллари Ўзбекистондаги не-не қутлуғ остоналар табаррук зиёратгоҳларга айланди. Ўзини англади эл. Ўз ғурурини эъзозлаётир.

Надоматлар бўлсинким, бундайин хушвақт кунларимизга раҳна солиш мақсадида қабиҳ ниятли кимсалар пайт пойлаб, қора ниятларини амалга оширишга уриниб кўриши дилларни яралаб ўтмоқда. Онажон юртимизга, гулгун диёримизнинг беназир сарбонига, мамлакатдаги одилона сиёсат, Ўзбекистонимизнинг кундан-кун яшнаётган кўрку жамолига ҳасад билан тош отганларга тавқи лаънатлар ёғилгайки, оху фарёдлар нокасларни омон қўймагай! Аҳли мусулмон, аҳли жаҳон қоралади ул ватанфурушларни!..

...Йўқ, Ватанни қонга бўяб ҳукмронлик қилмоқчи бўлганларга бериб қўймаймиз. Зотан, Ватанни вайрон этиб суймаслар, халқини таъқиб этиб эл бўлолмаслар, покиза қарашларни заҳарлаб ўзларига тахту равон ясамаслар.

Жон Ватаним, бир қаламкаш қизинг бўлиб таърифингни тилга олмоқ бўлдим. Юракдагини кўчириб беролмади ҳеч бир қиёс. Улуғладим минг хислатни, лекин Ватанни иймон ила суймоқдан улуғроқ улуғлик топмадим... Қуёшинг бошимда нур сочар ҳар тонг. Шаббодалар силаб ўтар сочимни. Ватан, қучоғингда омондур бошим, замин ўпиб турар товонларимни... Узилсам шу ердан, борим қуяди, боримни титкилаб орим қуяди... Оҳ, Ватан, жон бersам, жонингга жойла. Ватан тупроғига зорлик олдида армон-армонларнинг бариси ёлғон...

...Ватан ифтихори, меҳри, ғурури жонларнинг жон томирларига уланса, бу юртнинг кўрғонлари мустаҳкам бўлгай, ғаним йўлолмагай бундай маконга, ҳасадларнинг бошлари эгилгай, Нурлар тўшалгай, Ўзбекистон, манзил-маконларингга!

Сен жондирсан дилбандларингга, жон томиримсан, Ватан!

Ойбуви ОЧИЛОВА.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхталишлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Хуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

Saniplast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма берсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Эринмаган одамлар

62 йилдан кейин топилган ҳамён



Бундан 62 йил аввал бир Америка фуқароси Францияда ҳамёнини йўқотиб қўяди. Орадан ярим асрдан зиёдроқ вақт ўтгач, ўша ҳамён топилди ва эгасига қайтарилди.

Ҳозирча ҳамён эгасининг номи ошкор этилмаяпти. Аммо айтишларича, қария Иллинойс штатининг Ганнибал шаҳрида истиқомат қилади.

Қария ҳамёнини 1945 йили Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида йўқотган.

Ҳамённи у билан бирга хизматда бўлган таниши топиб олади. Олтмиш икки йил мобайнида омонатни эгасига қайтаришга ҳаракат қилган бу инсон яқинда ҳаётдан кўз юмди. Фарзандига эса ҳамённи ўз эгасига қайтаришни васият қилиб қолдирди.

Фарзанд ҳамён эгасини топгач, уни почта орқали ичидаги барча нарсалари билан юборди. Ҳамёнда озгина француз франки, ижтимоий муҳофаза қоғози, суратлар ва газета саҳифаси бор экан, холос.

Ғайриоддий ҳайвонот боғи

Одатда одамлар ҳайвонот боғига турли хил жонзотларни томоша қилиш мақсадида келишади. Бироқ Австралиядаги "Adelaide" ҳайвонот боғи ўз қафаслари ичига ёввойи жонзотларни эмас, инсонларни жойлаштирди.

Қафасда яшашни ихтиёр этган бу кўнгиллилар бир ойча ҳайвонот боғида истиқомат қилишади. Бу вақт оралиғида улар устида тадқиқотлар олиб борилади. "Нитап Zoo" номи остида ўтказилаётган мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад инсоннинг ташқи ҳаётга мослашувини аниқлашдан иборат. Қафасдаги инсонлар доимо руҳшунос назоратида бўлади. Бу ерга микрофон, веб-камера ўрнатилган бўлиб, ҳайвонот боғига келганлар тўғридан-тўғри уларни кузатишлари мумкин.

Шунингдек, мухлислар SMS орқали ўзлари ёқтирган қафасдаги инсонга овоз бериши мумкин. Якунда энг кўп овоз тўплаган "суперинсон" мақомини олади ва ҳайвонот боғининг фахрига айланади.

Қафасдагилардан бири Жош Пенлининг таъкидлашича, уларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Бунинг натижасида у бир неча ҳафта ҳордиқ чиқариб оларкан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси (КТУТ коди 14829506) ўз ташкилий-ҳуқуқий мулк шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгаришини маълум қилади.

Даъволар эълон чоп этилган вақтдан сўнг 30 кун мобайнида **Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй манзилида ёки 272-90-82 телефон рақами орқали қабул қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоаси институт директори А.Ризаевга отаси

Абдулла РИЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзэкспомарказ» МКК» ОАЖ жамоаси Бош директорнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ирматовга волидаи муҳтарамаси

БАҲРИХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси сиртқи бўлим бошлиғи, доцент Муҳаммадбек Ирматовга онаси

БАҲРИХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали жамоаси филиалнинг етакчи мутахассиси, телеграф алоқалар цехи бошлиғи, моҳир алоқачи

Николай Васильевич БЕРЕЖНОЙнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали давлат унитар корхонаси «Машъал» радиоканали жамоаси бўлим бошлиғи Шоира Маъдиевага падари бузруквор

УСМОНЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.30 Топширилди — 21.30 23456